



ТАЪЛИМДА, ТАРБИЯ УЧУН МАЪНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЗАРУР

Сарсенбаева Садокат Каррибаевна

Эллиққалъа тумани мактабгача ва мактаб таълими
бўлимига қарашли 63-умумий ўрта таълим мактаби
маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10081285>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2023

Accepted: 07th November 2023

Online: 08th November 2023

KEY WORDS

Маънавий шароитлар, ақлий
одоб, ечилмаган муаммолар,
даволат рейди, соғлом руҳ.

ABSTRACT

Мақолада таълимда бугунги кундаги шароитлардан унумли фойдаланиш ва янгиликлар киритиш билан ёш авлоднинг таълим олишларини тарбия билан узвий боғлаш, ҳамда соғлом ақл эгаларини вояга етказишда юрт таянчи ҳисобланаётган тарбиячиларга таклифлар ёритилган.

Тириклик бор, туғилиш бор, тириклик бор яшаш бор, ҳаракат бор. Инсон бўлиб туғилиш аллоҳ томонидан берилган эканки, бу умрни билим олишдек эзгу амал ила давом эттириш инсонийликдандир. Ёшлик инсоннинг энг нозик даври ҳисобланади. Юртимиз аҳолисининг асосий қисми ёшлар, йигит-қизларни ташкил қилади. Ҳар бир давлатнинг келажаги ёшларнинг ахлоқи ва тарбиявий ривожига билан боғлиқ. Ёш авлоднинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишни ривожлантириш бугунги куннинг илғор педагог ходимлари зиммасидаги масъулликдир. Бизнинг вазифамиз-ёшларнинг ўз ижодий салоҳиятларини намоён қилишда шароитлар яратишдан иборат. Ёшлик инсоннинг ҳаёт йўли чорраҳаси вақти ҳисобланилади. Ана ўша чорраҳага бугунги авлодни соғлом фикрга тўйинтирган ҳолда элтиш мактабгача таълим мактабларининг мақсади саналади. Шу билан бирга, вояга етмаган ёш ўсмирларнинг ечилмаган муаммолари эътиборимизни тортган ҳолда, ҳақиқатдан ҳам ҳал қилиниши керак бўлган масала сифатида жамоатчилик марказида турибди. Ёшларнинг ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан таъминланишлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга ошишида кўмаклашиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари борасида қулай шароитлар яратиш орқали эришиш, катта куч талаб қилиши соҳа вакилларида янада изланувчанлик ҳаракатларини ривожлантирмоғи замон талабига айланмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар тизимини ривожлантириш борасидаги ПФ-5313-сонли, шунингдек, “Ёшларга оида Давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши юқоридаги изланишларнинг ривожига асос вазифасини ўтайди. Ушбу қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, ёшларнинг ижодкорлик салоҳиятларини ривожлантиришда норма ва талаблар таъминланган. Бошланғич таълимда берилган тетапоя қадамлар остидаги таълим негизида: педагогларнинг дарс жараёнларига тўсқинлик қилмаслик учун “ДАРС МУҚАДДАС” шиори остида даволат рейдини йўлга қўйиш. Бунда ҳар кунги синф ўқувчилари кунлик

давоматини бирор қоғозга ёзилган ҳолда синфнинг эшигига ташкил қилинган конвертга ташлашлари ва бу дасрга ҳалақит бермаслик учун вақтни тежаш усулига ёш авлодни ўргатиш мақсад қилинади.

Бу анъанани давом эттирган ҳолда ҳар ҳафта якуни “Менинг синфим озода” ташаббусларини уюштириш, “Менинг бўш вақтим” шиорлари остида касб бурчакларининг ташкил қилиниши таълим жараёнининг ўзига хос жиҳати ҳисобланилади. Ушбу мақсад ёшларимиз ўз олдига қўйган мақсади сари катта имкониятлар эшиги очилишига туртки вазифасини бажаради.



Юқоридаги амал ва мақсадли бирин-кетинликларни кучайтирадиган куч бу ота она ҳисобланади. Ота она фарзандининг биринчи мураббийдир. Қуръони каримда оилага эътибор ҳақида шундай баён қилинади: “Эй мўминлар, сизлар ўзларингиз ва аҳли-оилангизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизлар, у қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фариштадур”. Тарбияда қаттиққўллик услубининг натижаси ҳам бор, салбийлиги ҳам сезиларли. Ички тартиб қоидалар ва одобнинг белгилари борасидаги маълумотлар асосида қизлар йиғилиши, йигитлар давраси ташаббуслари ўсмир ёшлар тарбиясини мустаҳкамланишига ёрдамчи тадбир сифатида қўлланилади. Ҳар қандай тарбия оиладан бошланади. Мактабгача ва мактаб таълимининг бош мақсади ёш авлоднинг бир-бирига меҳр-оқибатли инсонларни тарбиялашдир. Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни қўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган хушёрликдир. Ёш авлод тарбияси қанча эрта бошланса, шунча эрта самара кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2023-йил 31-август кунги 282-сонли буйруғи асосида мактабда ота оналар йиғилишининг ташкил қилинишида режа асосида кун тартиби кўрсатилган ва оталар алоҳида, оналар алоҳида йиғилишлар ўтказишни одат қилишда оддий деталлар тўғрисида гапириш жумладан: ўқувчининг мактабга келишдаги хатти-ҳаракатлари мисоллар билан тушунтирилса, амалда қўлланилса мақсад кузатилади.



Ўқув йили давомида, ўқув йили тугаши арафасида мактаб қоидаларига тўлиқ амал қилган синф, ўқувчилар алоҳида рағбатлантирилиши келгуси янги ўқув йилининг ривожига учун ҳам пойдевор вазифасини ўтайди ва муассасада маънавий-ахлоқий муҳитнинг қарор топишига, мустақамланишига хизмат қилган чора-тадбир ҳисобланилади. Сифатли таълимни амалга ошириш осон иш эмас. Бу йўл катта меҳнат ва ғамхўрлик талаб қилади. Бу йўлда бирлашиш зиммаси ҳар бир масъул раҳбарга хос мардлик шижоатидир. Зеро биз, Хоразмий издошлари, Ибн Сино авлоди, Берунийлар юртдошимиз. Улуғбек йўл кўрсатган, Навоий тарбиялаган навқирон авлодмиз. Келажакни соғлом руҳда тарбияланган ёшлар тарбиялайдиган маскан фикдорларимиз.

Қишда ишкомида узум осилган,
Ёзда қулчалари тандирсиз куйган
Эй дўстим, аллоҳнинг назари тушган
Ватанни севмасанг, кимни севасан!

References:

1. “Ўзбек адабиёти ва санъати” газетаси “Шарқ” нашриёти 2022-йил
2. Таълимда инновация журнали 2022-йил